САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

Ўзбекистон Республикаси миллий байрами муносабати билан табрикларим ва энг яхши истакларимни қабул қилгайсиз.

Халқларимизнинг бахт-саодати ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти равнақи йўлида Польша билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорлик янада ривож топишига аминман.

Ўзбекистон халқига самимий тилакларимни йўллайман.

Камоли эҳтиром ила

Алесандр КВАСЬНЕВСКИ,
Польша Республикаси Президенти.

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мамлакатингиз мустақиллик кунининг олти йиллиги муносабати билан Сиз жаноби олийларига Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати ва шахсан ўз номимдан самимий қутловларимни йўллаётганимдан беҳад мамнунман.

Сизга бахт-саодат, мамлакатингиз халқига фаровонлик ва равнақ тилайман.

Камоли эҳтиром ила

Зайд Бин Султон Ол-Нахаййан,
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти.

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистоннинг миллий куни муносабати билан Сизга самимий табрикларимни йўллайман, шунингдек, Сиз жаноби олийларига энг яхши тилакларимни изҳор этаман.

Самимий ҳурмат билан

Фернандо Хенрике КАРДОЗО,
Бразилия Федератив Республикаси Президенти.

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Рспубликасининг миллий байрами муносабати билан Сиз жаноби олийларига самимий табрикларимни йўллаш, шахсан Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, мамлакатингиз ва халқингизга янада фаровонлик ва равнақ тилаш менга улкан мамнуният бахш этади.

Пумипон АДУЛЬЯДЕТ,
Тайланд қироли.

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни муносабати билан Малдив Республикаси ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Сиз жаноби олийларини, Ўзбекистон ҳукуматини ҳамда Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этиш менга улкан мамнуният бахш этади.

Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик, бахт ва қардош Ўзбекистон халқига эса равнақ ва тараққиёт тилаб қоламан.

Маумун Абдул ГАОМ,
Малдив Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан заҳирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Узбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари, чегара ва ички қўшинлари сафларидан заҳирага бўшатилсин.

2. 1970—1979 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Узбекистон Республикаси фуқаролари 1997 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 5 сентябрь.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 6 сентябрь, шанба № 106 (22.190).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

СУРАТДА: қабул пайти. С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 сентябрь куни Япония иқтисодий режалаштириш давлат вазири Таро Асо раҳбарлигидаги ушбу мамлакат ҳукумати делегацияси ҳамда «Кейзай Доюкай» — япон корпорациялари раҳбарлари уюшмаси Президенти Коичи Минагучи бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ислом Каримов ҳар икки делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи Ўзбекистон—Япония муносабатларини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Таро Асо ҳамда унга ҳамроҳлик қилувчи расмий кишилар, шунингдек, йирик банклар, фирма ва компаниялар, илмий-тадқиқот институтлари вакилларининг мамлакатимизга келиши Японияда Ўзбекистонга қизиқиш тобора ўсиб бораётганидан дарак беришини алоҳида қайд этди.

— Япония нафақат иқтисодий, балки, катта ақлий ва маънавий салоҳиятга эга, — деди Президент Ислом Каримов. — Биз бу мамлакат билан ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама кенгайтириш тарафдоримиз.

Япониялик меҳмонлар самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида ўзаро сармояларни ҳимоялаш, икки томонлама солиқ олмаслик борасида келишувга эришиш, умуман, Ўзбекистон билан Япониянинг тенг ҳуқуқли асосда ҳамкорлик қилиши учун зарур бўлган ҳуқуқий асосни яратиш, мамлакатларимиз ўртасида нафақат ҳукумат, вазирлик ва идоралар, балки корхона ва ташкилотлар, ишбилармонлар даражасидаги ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Бош вазир Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Қ. Ҳаққулов, К. Раҳимов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев, молия вазири Ж. Сайфиддинов, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов, ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов иштирок этди.

Қабул маросимида Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Коуичи Обата ҳозир бўлди.

(ЎзА).

МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

Our Dear and Most Respected President of Uzbekistan, Islam Karimov.

We Will Not Say "Thank You" As Usual. But We Will Say, "In Big Letters" Thank You, for Achieving a New Uzbekistan.

We the Jury of the "Shark Taronalari" International Musik Festival Congratulate You, Personally, and All Members of Your Government for a "New Uzbekistan" wich is Open to Everybody and which offers a Warm Welcome to Everyone.

Uzbekistan, the World will See, Receives and Accepts the Cultures of the Whole World. Our Experience with this Beautiful and Efficiently Organized Festival Has Convinced us that Uzbekistan's Music Will Expand and Develop Extensively and will Become a Bridge for World Peace. Salute for Islam Karimov Today Uzbekistan Today and in the Future.

Member of the Jury of "Shark Taronalary" Festival.

August, 1997.

Samarkand.

Кошиба Харуми (Япония)
Shanta Sarabjit Singh (India)
Sorayya Mansor (Malaysia)
Lorel Victoria Grey (USA)
(China)
(Korea)
Norico Aikawa (UNESCO)
Angelika Jung (Germany)
Фатхи ал-Хамиси Египет.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жаноби олийлари!

Биз Сизга нафақат оддийгина раҳмат демоқчиммиз, балки катта ҳарфлар билан янги Ўзбекистон эришган зафарлари учун ташаккур билдирмоқчимиз.

Биз, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳайъати аъзолари, шахсан Сизни ва Ўзбекистон ҳукумати аъзоларини ҳамма учун очиқ, бағри кенг ва меҳмондўст янги Ўзбекистон юзага келгани билан табриклаймиз.

Ўзбекистон ўз заминида бутун дунё маданиятини қутлаб қабул қилаётганига жумлаи жаҳон гувоҳ бўлиб турибди.

Ниҳоятда гўзал ва самарали ташкил этилган мусиқа фестивали бизни Ўзбекистон мусиқаси мукаммал ривожланиб, равнақ топишига ва жаҳонда тинчлик кўприги сифатида хизмат қилишига ишонтиради.

Ислом Каримовга, бугунги Ўзбекистонга ва унинг муқаррар келажагига шон-шарафлар бўлсин!

«Шарқ тароналари» ҳайъати:
Кашуба Харуми (Япония) — ҳайъат раиси.
Ҳайъат азолари:
Шанта Сарабжит Сингх (Ҳиндистон),
Сорайя Мансор (Малайзия),
Лорел Виктория Грей (АҚШ),
Сянь Янь (Хитой),
Хан Муин Хи (Қурия),
Иззет Оз (Туркия),
Норико Айкава (Юнеско),
Анжелика Юнг (Германия),
Фатхи ал-Хамиси (Миср).
Самарқанд шаҳри,
1997 йил 31 август.

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

«Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги» халқаро илмий-ижодий конференцияси
Самарқанд, 1997 йил 28—29 август

Биз, «Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги» халқаро конференция қатнашчилари:

Ўзбекистон Республикаси Президентига юксак даражада ташкил этилган ушбу халқаро мусиқа фестивали ва унинг доирасидаги конференция учун чуқур миннатдорлик изҳор этиб,

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигини муборакбод этган ҳолда,

ЮНЕСКОнинг санъаткорлар мавқеи ҳамда анъанавий маданият ва халқ ижодиётини ҳимоя қилиш ҳақидаги тавсияномалари, шунингдек «Жонли инсон мероси» лойиҳасини эътиборга олиб,

Санъат соҳасидаги ҳамкорлик халқлар ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳурмат ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишини эътироф этиб,

Санъат ва маданиятни ривожлантирмасдан туриб, ҳеч замон мукаммал барқарор тараққиётга эришиб бўлмаслигига урғу бериб,

Анъанавий мусиқа мактаблари ва уларнинг маҳоратини сақлаб, келажак авлодларга етказиш ҳар бир давлат учун устувор вазифага айланиши лозимлигини қайд этиб,

Мусиқий меросни сақлаш ва анъанавий мусиқа ижодиётини ривожлантириш учун янги дастурлар ишлаб чиқиш, мусиқашуослик таълимини такомиллаштириш, ёш санъаткорларни ижодий бунёдкорликка илҳомлантириш ҳамда рағбатлантириш заруриятини қайд этиб,

1. ЮНЕСКО Бош директорини:

— Осиёда мусиқий меросни сақлашда, анъанавий мусиқа ижодиётини ривожлантиришда,

— 1999 йилда Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивалини ўтказишда,

— Марказий Осиё мамлакатларида мактабларнинг бошланғич синфларида анъанавий мусиқани ўрганиш услубиятига бағишланган семинарни Тошкент шаҳрида ўтказишда,

— Осиёда анъанавий мусиқа бўйича болалар фестивалини ўтказишда,

— Анъанавий мусиқа масалаларига бағишланган маълумотнома — бюллетень нашр эттириш ва мамлакатларнинг махсус мусиқа ўқув юртларига тарқатишда қўллаб-қувватлашга чақирамиз.

2. Халқаро мусиқа кенгаши ҳамда халқаро анъанавий мусиқа кенгашига «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ўз дастурларига киритиш ва раҳнамолигига олишни тавсия этамиз.

Фестиваль таассуротлари

МАҚСАД ТЎЛА АМАЛГА ОШДИ

Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида қадимдан Шарқнинг эзгу маскани ҳисобланмиш Самарқандда бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳам ниҳоясига етди.

Аммо унинг ёрқин таассуроти дилларда давом этмоқда.

Шарқ халқларининг ўзига хос байрамига айланган ва ўз мазмун-моҳияти билан жаҳон маданий тадбирлари қаторида эътироф этилган бу фестиваль қандай ўтди?

У ўз олдига қўйган мақсадларга эришдими? Унинг миллий маданиятимиз, санъатимиз ривожига, эътирофига қўшган ҳиссаси қандай?

Биз шундай саволлар билан ва умуман фестиваль ҳақида батафсил маълумот олиш учун Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси, композитор Рустам Абдуллаевга мурожаат этдик:

— Фестиваль биз кутгандан ҳам кўра қизғин бир руҳда, ҳақиқий халқаро байрамга айланиб кетди. Биз меҳмонларни кутиб ола бошлаганимизданоқ — улар билан гўё эски қонқариндошлардай қучоқ очиб кўришганимизданоқ фестиваль барчамизни ўз руҳига чулғаб олди, дейиш мумкин.

Ўша кунлари Самарқанд улкан бир гулзорни эслатарди. Дунёнинг турли мамлакатларидан келган санъаткорларнинг миллий либослари жамул-жамлиги, уларнинг ранг-баранглиги ҳақиқатда Регистонни улкан чаманзорга айлантириб юборди.

Айниқса, Президентимизнинг фестивални очилиш маросимида сўзлаган нутқлари, табриклари барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирганини таъкидлаб ўтиш керак. Барча иштирокчилар якдиллик билан Ватанимизда маданиятга, санъатга бўлган юксак эътиборни эътироф этишди.

— Танлов мобайнида эътиборга олинган асосий хусусиятлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз?

— Маълумки, ҳайъат раиси қилиб Шарқ халқлари маданияти ва мусиқасининг билимдони японияли Кашуба Харуми хоним сайланди. Фестиваль бешта саҳнада олиб борилди. Регистон саҳнасида ҳайъат аъзолари Шарқ халқлари санъатининг энг ёрқин намуналарини тинглашди.

— Анжуманда қандай истеъдодлар кашф этилди?

— Севимли хонандаларимиз саҳнага чиққанда барча уларнинг санъатига таҳсин-тасанно айтди. Шунда яна бир бор миллий мусиқамиз, санъатимизнинг буюклигини, ўлмаслигини ҳис этиб, ғурур ва ифтихорга тўлдик. Шунингдек, Озарбойжон хонандаси Самара Имонова истеъдодининг кашф этилиши ҳам фестивалнинг асосий ютуқларидан биридир. Ҳали бу хонанда жуда ёш, у айнан шу фестиваль боис дунёга танилди. Санъатдаги парвозига илк замин яратилди.

— Мана, фестиваль ҳам якунланди. Энди хотиржам мулоҳаза қилиб кўриш мумкин. Фестиваль ўз мақсадларига эришдими? Натижалар қандай бўлди?

— Фестивалнинг бош мақсади — Шарқ халқлари ўртасидаги маданий ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, миллий мусиқий меросимизни юксалтириш, шу аснода Ўзбекистон маданиятини, санъатини дунё олдида эътироф этиш масаласи тўлалигича амалга ошди. Фестивалга келган ҳар бир меҳмон халқимиздаги санъатга, маданиятга бўлган чанқоқликни, уни давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келинаётганига гувоҳ бўлди.

— «Шарқ тароналари» бошқа фестивалларидан нимаси билан фарқланади?

— Агар дунё миқёсида олиб кўрадиган бўлсак, мазмун ва моҳияти жиҳатидан бу каби фестиваллар ноёб эканлигига амин бўламиз. «Шарқ тароналари» учта муҳим йўналиш бўйича фаолият олиб борди. Булар танлов, бевосита фестиваль фаолияти ва якунланиш арафасидаги илмий анжумандир. Яъни мазкур фестиваль истеъдодларни кашф қилди. Унинг ҳар икки йилда бир марта ўтишини инобатга оладиган бўлсак, аҳамияти жиҳатидан беқиёсдир.

«Ўзбекистон овози» махсус мухбири Малик МАНСУР суҳбатлашди.

ШАРҚ ТАРОНАСИ ТАРАЛ ЖАҲОНГА!

Абдулғани ЖУМА олган суратлар.

ОНА ЮРТИМИЗНИ ОЛЛОҲ ЗИЁДА ҚИЛСИН

Оллоҳга беадад шукрлар бўлсинким, истиқлол шукуҳи сабоси ила юртимиз, халқимиз ўзининг асрий орзуси мустақилликка эришди. Динимиз, тилимиз, маънавий-маданий меросимиз, анъана ва қадриятларимиз шу мустақиллик шарофати ила тикланиб, комил инсонлар мўмин мусулмонларни Ватанга, юртга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётир.

Улуғ соҳибқирон бобомиз Амир Темур номи яна буюклик, меҳрибонлик, куч-қудрат, адолат ва эл-парварлик, она юртга садоқат тимсоли сифатида қалбларимиздан жой олди. Оллоҳнинг инояти ила тарихда ўзларининг бой илмий-тарбиявий асарлари билан Ислом дунёсида катта шуҳрат қозонган буюк алломалар меросини ўрганишга, уларнинг табаррук қадамжолари, қабрларини зиёрат қилишга муваффақ бўлдик. Муҳтарам Президентимиз И.Каримовнинг беқиёс ёрдами ва катта ғамхўрлиги, эътибори туфайли Ўзбекистон мусулмонлари Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунавварага бориб пайғамбаримиз Муҳаммад саллолоҳу алайҳи вассаламнинг муқаддас маскану қадамжоларини зиёрат қилиб келишга мушарраф бўлмоқдалар. Мадрасаю масжидлар яна намозхонларни бағрига чорлади. Диний аём ва байрамлар юртбошимиз фармони билан белгилаб қўйилди.

Мустақиллик берган эътиқод, виждон эркинлиги Ислом дунёсида номи улуғланган ватандошимиз Ҳазрати Имом Бухорий мақбараси ва мадраса масжидига бўлган эътиборда ҳам яққол кўриниб турибди. Узоқ йиллар қаровсиз, харобага айланиб қолган бу зиёратгоҳ кейинги олти йил ичида батамом ўзгариб кетди. Имом Бухорий ҳазратлари дафн этилган мақбара тикланди. Унинг атрофларида қўшимча бинолар қурилиб, масжид қайта таъмирланди. Зиёратгоҳга келадиган йўллар ободонлаштирилди. Зиёратчилар учун барча шароитлар яратилмоқда. Бу зиёратгоҳни янада ободонлаштиришга муҳтарам Президентимиз катта эътибор бермоқда. Қисқа вақт ичида Имом Бухорий мақбараси бутун дунё мусулмонларининг катта зиёратгоҳига айланди. Бу ерда улуғ ватандошимизга, динимизга, аждодларимиз меросини ўрганишга бўлган эътиборни қадамжога ташриф буюрган Индонезия президенти жаноб Сухарто, Покистон Бош вазири Новози Шариф, Беназир Бхуттохоним, Эрон, Туркия президентлари ва бошқа кўплаб хорижий давлат арбоблари катта мамнуният билан эътироф этдилар. Айни пайтда муҳтарам Президентимиз фармонлари ила Имом Бухорий бобомизнинг келгуси йилда 1225 йиллик юбилейини нишонлашга катта тайёргарлик кўраяпмиз. Масжидни кенгайтириш, кутубхона қуриш, билим юрти қурилиши, бошқа ободончилик ишларида Самарқанд вилоят ҳокимлиги, Челак туман ҳокимлиги, жамоатчилик ташкилот ва корхоналар ўз ёрдамлари, хайри-эҳсонларини аямаяптилар.

Иншоолло, бу саъй-ҳаракатларимиздан бобомиз Имом Бухорий руҳлари шод бўлғай. Оллоҳнинг меҳру саховати нуридан дилларимиз равшан тортиб, юртимиз, ҳаётимиз янада мунаввар бўлғай.

Усмонхон ТЕМИРХОН ўғли,
Имом Бухорий масжиди имом-хатиби.

ИЗҲОР ҚЎНҒИРОҒИ
133-76-04
133-73-43

Партия ахбороти

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

4 сентябрь куни Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг (1997 йил 17 июлдаги) навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича олға сурилган вазифаларни бажаришда ХДП Қорақалпоғистон республика ташкилотининг иштироки тўғрисида»ги масала кўрилди. Бу ҳақда Қорақалпоғистон республика партия кенгашининг биринчи котиби А. Асанов маъруза қилди.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси Сапарбой Авезматов сўзга чиқдилар. Муҳокама этилган масала юзасидан пленум қарор қабул қилди.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Ҳ. Авезов иштирок этди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДАВР БИЛАН ҲАМОҲАНГ

Бухоронинг 2500 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши тарғибот гуруҳи меҳнат жамоаларида бўлиб, қадим шаҳарнинг тарихи, бугуни ва эртаси ҳақида, фани, маданияти тўғрисида мароқли суҳбатлар ўтказишмоқда.

Тарғибот гуруҳи Шофиркон туманидаги «Варзонзе» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти, Вобкент тумани пахтакорлари ҳузурида бўлишди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЗГУЛИК ХАЛҚ РУҲИЯТИДА ЯШАЙДИ

Навоий вилоят ҳокими ўринбосари Азамат ҲАЙДАРОВ билан суҳбат

Мустақил республикамизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида халқимиз фаровонлигини таъминлаш, кишилар маънавий оламини бойитиш, озод Ватан тақдири билан ўз тақдирини чамбарчас боғлиқ деб тушунадиган ҳақиқий ватанпарвар инсонларни тарбиялаш ва шу эътиқодни ҳар бир киши қалбида улғайтиришдек муқаддас вазифалар ётибди. Суҳбатимизни айнан шу йўналишда вилоятда амалга оширилаётган ишлар ҳақида бошласак.

— Давр маънавиятга бўлган эътиборни кучайтиришни тақозо этмоқда. Маърифатли инсонни тарбиялаш эса мураккаб иш. Тарбия йиллар давомида ўз самарасини кўрсатади. Шу сабабли қадимда Шарқда ҳам маънавиятга жуда катта эътибор қаратилган...

Туман ва шаҳарларда мафкуравий ишларнинг аҳволини ўрганиш мақсадида Навоий, Нурота, Хатирчи, Томди, Навбаҳор туманларида таълим, маданият, спорт муассасаларининг фаолияти чуқур таҳлил этилди. Туман ҳокимлари, ҳоким ўринбосарлари, мактабларнинг директорлари ва илмий бўлим мудирлари, спорт ва маданият муассасалари раҳбарлари иштирокида йиғилишлар ўтказилди. Бунда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилиб, ишлар самарадорлигини ошириш режалари белгилаб олинди.

— Азамат Ҳайдарович, жамиятимизнинг шиддатли тараққиёти, янгича тафаккурнинг шаклланаётгани ёш авлоддан замон билан ҳамоҳанг қадам ташлашини талаб этади. Бу эса ўқитувчи-мураббийлар олдига ўз устиларида тинимсиз изланиш, илм- фан сирларидан ёшларни янада кенгроқ баҳраманд этиш каби вазифаларни қўяди. Шундан келиб чиққан ҳолда таълим тизими ислоҳоти, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида қилинаётган ишлар ҳақида нималар дея оласиз?

— Мактаб — болаларимизнинг ақл кўзини чароғон қиладиган энг улуғ гўша. Улуғ маърифатпарвар Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли шундай деган эди: «Маориф ва маданият боғчасининг биринчи дарвозаси—мактабдур. Ер юзидаги маорифли миллатларнинг ҳар бирлари маданият боғчасина шу дарвозадонгина кирмишлар...»

Бу сўзлар нечоғлиқ ҳақиқат эканлиги бугунги кунда аён. Бугун мамлакатимизда юртбошимиз раҳбарлигида таълим-тарбияни тубдан янгилаш борасида кенг миқёсли ишлар олиб борилмоқда.

Аслида эса маърифатли инсонни тарбиялаш оиладан, мактабдан бошланади. Мадомики шундай экан, аввало, тарбияни мактаб партасида ўтирган боладан бошлаш лозим, деб ўйлайман.

Ҳозирги кунда вилоятда 369 та ўрта умумтаълим мактаби мавжуд. Шу жумладан 3 та гимназия, 6 та мактаб-гимназия. 8 та лицей-интернат, битта мактаб-лицей, 4 та касб-ҳунар лицейи, битта қурилиш лицейи, 4 та бизнес мактаби ва 3 та касб-ҳунар мактаби фаолият кўрсатмоқда. Гимназия ва лицейларда ўқиш-ўқитиш тест синовлари асосида олиб борилаётир. Ёш авлодга таълим-тарбия беришни янада чуқурлаштириш мақсадида таълим муассасалари қўшимча 129440 нусхада дарсликлар, 3 миллион 176 минг сўмлик ўқув-техника воситалари, жиҳозлар, кўргазмали қуроллар билан таъминланди. Билим даргоҳларида ишлаб чиқарилган 710 минг сўмлик халқ истеъмоли молларидан тушган маблағ мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчи ва ўқувчиларни моддий рағбатлантиришга сарфланмоқда.

Вилоятимиз таълим тизимида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Мактабларда «Маънавият хоналари» ташкил этилган. Олий ва ўрта махсус билим юртларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тадбирлари ўтказилмоқда. Яқинда педагогика билим юрти ўқитувчилари тўлиқ аттестациядан ўтказилди. Билим даргоҳларида илмий-амалий конференциялар, семинарлар уюштирилаётир. Натижада, янгликлардан ўз вақтида огоҳ бўлган ўқитувчилар ёшларни ҳам бу ўзгаришлардан хабардор қилиб боришяпти.

Энди ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига келсак, шуни айтиш керакки, шахс камолоти ғурур ва нафсониятни англашдадир. Демоқчиманки, Амир Темур бобомиздек буюк зотнинг авлодлари эканлигимизни юракдан ҳис этиш учун ўта мураккаб ва серқирра фаолият олиб боришимиз лозим. Бироқ маориф соҳасида ҳам талай муаммоларимиз бор.

Зеро мактабларимиз муносиб мутахассислар, етук кадрлар етиштириб берувчи бутун бир тизимнинг илк босқичидир. Бу ҳақда юртбошимиз Ислом Каримов яқинда Тошкентда бўлиб ўтган «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссиясининг йиғилишида шундай деган эди: «Энг муҳими, шуни англаб етишимиз керакки, кадрлар масаласини ҳал этмас эканмиз, саъй ҳаракатларимиз кутилган натижаларни бериши, ҳаётимиз, маънавиятимиз ўзгариши қийин кечади. Демакки, замонавий таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш фаолиятимизнинг бош йўналиши бўлмоғи даркор».

Вилоятимиздаги баъзи ўқув масканларида ҳали ҳам дарс беришнинг эски усулларидан фойдаланилмоқда. Натижада ўқувчиларимиз бугунги кун жараёнларини тўлиқ англай олмаяптилар. Таълим-тарбия бўш жойда истеъдодлар сўнади. Болаларда енгилелпи ҳаётга кўникмалар пайдо бўлади. Бу энг хавфли иллат. Шунинг учун мактаб ишига ҳеч қачон иккинчи даражали вазифа, деб қараб бўлмайди. Жойлардаги хўжалик, ташкилот раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимликлари мактабдан тез-тез хабар олиб турсалар, менимча ғоят савобли ишга бош қўшган бўлур эдилар.

Суҳбатдошлар: Музаффар ШАРОПОВ, Маҳмуд МАРДИЕВ.

Мустақиллик ва маънавият

Хатлар
Хатлар
Хатлар

ОТАНГ ҲАМ, ОНАНГ ҲАМ МАҲАЛЛА ЭКАН!

1997 йил 28 июндан 29 июнга ўтар кечаси қўшнимнинг уйидан ўтган олов билан уйим ёниб кетди. Уйим билан рўзғор анжомлари ва кийимларимиз ёниб кулга айланди. Мен деразадан сакраб тушиб, болаларимни зўрға бу офатдан қутқариб қолдим. Фарзандларимнинг оталари 1994 йилда вафот этганлар. Бир ўзим болаларимни боқиб эплаётган эдим. Энди эса бошпанасиз қолдик. Кўзларимдан дув-дув ёш тўкилиб: «Қўлимдан нима ҳам келарди, пешонам бунча шўр бўлмаса?» деган сўзлар ўтар эди ҳаёлимдан.

Бу воқеадан хабар топгач, биринчи бўлиб Юнусобод тумани «Отчопар» маҳалласининг оқсоқоллари келиб: «Қайғурманг, келин, сизларни бошпанасиз, яланғоч қолдирмаймиз» деб бошимни силадилар, кўнглимни кўтардилар. Лекин шайтон васвасаси билан: «Ҳа шундай, бир ҳол сўраб кетдиларда» деган фикр ҳаёлимни чўлғаб олган эди. Ундай бўлиб чиқмади: шу куни маҳалла номидан кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотларини бериб кетдилар. Эртаси кунидан бошлаб молиявий моддий ёрдам кўрсатиш Юнусобод ҳокимлиги, шаҳар «Маҳалла» ва «Наврўз» жамғармалари томонидан давом этди...

Мен бошпанасиз кўчада қолмадим. Юнусобод тумани ҳокимлиги аъзолари мен учун югур-югур қилиб, бўш уй ахтариб, болаларим билан кўчириб ўтказиб қўйдилар. Бундай меҳрибончиликни мен Мустақиллик шарофати деб билдим!

Шоҳида КОМИЛОВА,
Юнусобод тумани, 8-мавзе, 11-уй, 7-хонадон.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1997 йил 19 июнь ва 28 июнь сонларида чоп этилган «Шаҳар бедарвоза эмас, бироқ...» ҳамда «Дарвозадаги туйнук» сарлавҳали мақолаларда Тошкент аэропортида йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати пастлиги танқид қилинган эди. Ушбу мақолалар юзасидан қуйидаги жавоб хати олинди.

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ:

Юқоридаги мақолаларда баён этилган Тошкент аэропорти ишидаги камчиликлар ўрнини. Ушбу камчиликларни бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар кўриш мақсадида мақолада кўрсатилган далиллар юзасидан хизмат текшируви ўтказилди.

Тошкент аэропорти раҳбарияти ва Миллий авиакомпания дирекциясининг махсус Кенгашида йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишни таъминлашга қаратилган аниқ ташкилий-технологик тадбирлар муҳокама қилинди.

Бу масала Миллий авиакомпания Кенгашининг 1997 йил 11 июлда бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида ҳам муҳокама этилди.

Шу йил 1 сентябргача Тошкент аэропортида унинг ташкилий тизимларини ўзгартириш, шунингдек йўловчиларга, жумладан расмий делегациялар залида хизмат кўрсатиш технологиясини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ниҳоясига етказилади.

1997 йил 5 июлда аэропортнинг аэровокзал мажмуасида оширилган қулайликларга эга бўлган шинам зал фойдаланишга топширилди. Унинг мақсади халқаро авиаташув амалиётида қабул қилинганидек, биринчи ва бизнес класс тоифасида учувчи йўловчилар эҳтиёжини қондиришдир.

Миллий авиакомпаниянинг авиаташувлар сифатини ошириш бўйича комплекс дастури мавжуд ва у изчиллик билан амалга оширилмоқда: ҳаво кемалари парки янгиланяпти ва улардан фойдаланиш бўйича юксак технология ўзлаштирилляпти, маҳаллий авиалиниялар аэровокзали, ҳаво ҳаракатини бошқариш тизими ва учта аэропорт (Самарқанд, Бухоро, Урганч) қайта таъмирланяпти.

Шу билан бирга авиакомпаниянинг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи тамомила янги хўжалик механизмини яратиш бўйича қизғин иш олиб бориляпти. Ҳаво транспорти ишини меъёрловчи жуда кўплаб норматив — технологик ҳужжатлар қайта ишланмоқда. Чунки «Аэрофлот»дан қолган барча меъёрий база янгиланиши ва ўзгартирилиши зарур.

Бинобарин, бу ишларнинг барчаси фақат йўловчилар манфаатини кўзлаб амалга оширилаётир.

Биз газета танқидини миннатдорчилик билан қабул қиламиз ва тез орада Тошкент аэропортида йўловчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифати сезиларли ошиши учун барча чора-тадбирларни кўрамиз.

Бош директор вазифасини бажарувчи А. РЎЗМАТОВ.

«АКЦИЯДОРНИНГ ҲУҚУҚИНИ БУЗИШДИ»

Газетанинг 1997 йил 8 март сонида чоп этилган «Акциядорнинг ҳуқуқини бузишди» сарлавҳали танқидий мақола юзасидан текшириш ўтказилди ва қуйидагилар аниқланди.

Ушбу мақола Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳрида жойлашган «Кеш» савдо ҳиссадорлик жамиятининг собиқ раиси Б.Жўраевни вилоят матлубот жамияти уюшмаси томонидан тўғридан-тўғри асоссиз равишда ишдан бўшатилганлиги ва бу билан шу жамиятнинг акциядори ҳисобланган Б. Жўраевнинг ҳуқуқи бузилганлиги кўрсатилган ҳамда у ишга қайта тикланиб ишлаб келаётган бўлишига қарамасдан унга матлубот уюшмаси томонидан ҳар хил таъсир кўрсатилаётганлиги, бу борадаги қонун талаблари бузилаётганлиги баён қилинган.

Ўтказилган текширишда Б. Жўраевнинг баён қилишича асоссиз равишда ишдан бўшатилганлиги шу боисдан ишга қайта тикланиб бир неча ой фаолият кўрсатганлиги, Б. Жўраевнинг ўзининг розилиги билан ва акциядорларнинг умумий йиғилиш қарори билан бошқа ишга ўтганлиги, аммо жамиятнинг акциядори ҳисобланиши аниқланди.

Вилоят прокуратураси томонидан «Кеш» ҳиссадорлик жамияти акциядорларининг Б.Жўраевни ишдан бўшатиш тўғрисидаги умумий йиғилиш қарори қонуний деб топилди.

Қашқадарё вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари С. АЗИЗОВ.

3 МИЛЛИОН ТЕРАК ҚУРШОВИДАГИ ТУМАН

Мустақилликнинг илк неъматларидан бири қишлоқ аҳлини уй-жой, томорқали қилиш бўлди. Деҳқонлар бунинг учун истиқлолга шукрона айтишади. Зеро, водий шароитида каталакдек ҳовлида 3-4 оила қисилиб, бир парча ерга зор бўлиб яшагани кечаги кун эди, ахир. Ёзёвон туманининг ўзида истиқлол йиллари 3 минг гектар ер одамларга томорқа қилиб берилди. Юзлаб оилалар енг шимариб ишга киришдилар. Томорқа ерларида мўл-кўл сабзавот, полиз экинлари, ҳар хил мевалар етиштирила бошланди. Тўғри, тайёрга айёрлик ҳисси руҳимизга сингиб қолган эканми, ердан фойдаланмайдиган ношудлар ҳам топилиб қолди. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан томорқасини шўра бостириб юборганлар танқид қилинди. Ҳатто маҳаллий радиода бундайларнинг исм-фамилиялари ўқилди. Натижада одамлар онгида бурилиш юз берди. Ҳозир ёзёвонликлар томорқадан мўмай даромад олишга ўрганишган.

— Далалар ва қишлоқларда кўп бўламан, — дейди туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутати Ҳусанбой Аҳмадалиев — аксарият дарвозаси йўқ чўл ҳовлиларига ўз уйимдек кириб бораман. Илгари одамлар мени кўришлари билан «ойликни қачон оламиз?», дея югуриб келишарди. Эндиликда эса қуруқ ойликка қараб яшаш асл деҳқонга ярашмаслигини, деҳқон ўз ҳаётини тўкис таъминлаш учун имкониятларни ишга солиши лозимлигини англашяпти. Қаранг, азалий чўлқуварлар юрти Ёзёвонга ҳунармандчилик кириб келди. Ўнлаб кичик корхоналар ташкил этилган. Болгария, Буюк Британия ишбилармонлари билан ҳамкорликда қурилган қўшма корхоналаримиз бор. Плёнка ишлаб чиқарадиган кичик корхона айниқса бу йил иш берди.

Ёзёвонда терак экишга алоҳида эътибор берилди. Чўл туманидан Андижон, Наманган, Фарғона томонларга кетадиган йўлларнинг икки юзи қатор терак. Кейинги тўрт йил мобайнида Ёзёвонда 3 миллион тупдан ошиқ терак ўтқазилди. Хатосиз кўкарган тераклар кўм-кўк яп-роқларини шилдиратиб, чўл шамолларига бардош бериб, кўкка бўй чўзиб турибди. Олти йил аввал Ёзёвонга осмондан назар солган учувчи бепоён пахтазорлару қум барханларини кўрарди. Энди эса Ёзёвон 3 миллион туп терак қуршовидаги ўрмонга айланди. Бу — истиқлол шарофати.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хоразм вилоятининг барча хўжаликларида пахта йиғим-терими бошлаб юборилди. Жумладан, Хева туманидаги «Қорақум» жамоа хўжалигида ҳам бу иш жадал суръатларда давом эттирилмоқда.

Жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил 340 гектар майдонда пахта етиштиришди. Улар даладаги ҳосилни чамалаб кўриб, ҳар гектар ердан 40 центнердан ошириб хирмон кўтаришни мўлжаллашяпти.

Айни пайтда хўжаликнинг Исмоил Салаев бошлиқ биринчи бригадаси аъзолари йиғим-теримда пешқадамлик қилишмоқда. Улар кунига қабул пунктларига 3-4 фоизга етказиб «оқ олтин» топширишяпти. Бригаданинг илғор теримчилари Сунбул Абдуллаева, Замира Раҳимова ва Шарофат Собирова кунига 130-150 килограммдан пахта териб, бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Суратда: илғор теримчи Замира Раҳимова.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Азиз юртдошлар!

ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг вилоят филиаллари Сизларни мазкур йилнинг 10, 17, 24 сентябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтадиган

КИМОШДИ

савдоларига таклиф этади

Савдоларга «ЎЗСАВДОГАРБАНК»нинг мол-мулклари қўйилади:

1. ООО «Муросат-бизнес»га қарашли:
— Тошкент вилояти, Юқори-Чирчиқ туманидаги Сут-товар фермаси.
Бошланғич баҳоси — 34 млн. 301,0 минг сўм.
— Андижон шаҳри, Високовольтная кўчасидаги, 6-уй.
Бошланғич баҳоси — 58 млн. сўм.
2. «Кўкалдош»кичик корхонасига қарашли:
— Тошкент вилояти, Майский посёлкаси, 1-Май кўчасидаги автогараж.
Бошланғич баҳоси — 6 млн. 263,0 минг сўм.
— Чирчиқ шаҳри, Юбилейная кўчасидаги «Роща» кафеси.
Бошланғич баҳоси — 964,0 минг сўм.
3. «Фарҳод-авто» хусусий фирмасига қарашли:
— Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Северо Восток массиви, Феруза кўчаси-2 да жойлашган Ишлаб чиқариш биноси.
Бошланғич баҳоси 25 млн. 390,0 минг сўм.
4. «Анджел бизнес» хусусий фирмасига қарашли:
— Ангрен шаҳри, Навоий кўўчаси-1 да жойлашган Химиявий тозалаш фабрикаси.
Бошланғич баҳоси 31 млн. сўм.
5. «Парвоз» хусусий корхонасига қарашли:
— Тошкент вилояти, Келес шаҳридаги Темир йўл киритилган омборхона.
Бошланғич баҳоси — 40 млн. сўм.
6. Андижон вилояти, Олтинкўл тўманидаги «Музаффар» кичик корхонасига қарашли:
Андижон вилояти, Олтинкўл туманидаги ферма ва паррандачилик биноси.
Бошланғич баҳоси — 4 млн. 750,0 минг сўм.
7. Андижон вилояти, Хўжаобод туманидаги «Нодир» кичик ишлаб чиқариш корхонасига қарашли:
Андижон вилояти, Олтинкўл туманидаги 20 тонналик цистерна идиш, 2 дона.
Бошланғич баҳоси — 3 млн. сўм.
8. Андижон вилояти Охунбобоев туманидаги «Бобур-Шоҳ» Ишлаб чиқариш савдо фирмасига қарашли:
— Андижон вилояти, Охунбобоев шаҳридаги Йигирув тўқув станоги.
Бошланғич баҳоси — 12 млн. 500 минг сўм.
9. «Файз» Савдо фирмасига қарашли:
— Андижон вилояти, Қорасув шаҳридаги К-700 трактори.
Бошланғич баҳоси — 999,0 минг сўм.
— Ёғочни қайта ишлаш станоги.
Бошланғич баҳоси 1 млн. 992,0 минг сўм.
— «МАЗ» автомашинаси.
Бошланғич баҳоси — 1 млн. 999,0 минг сўм.
10. «Ҳалоллик» кичик корхонасига қарашли:
— Андижон вилояти, Қорасув шаҳридаги Мини пахта қоғоз ишлаб чиқариш комбинати. Қуввати бир ойда 3000 метр мато ишлаб чиқаришга етади.
Бошланғич баҳоси — 17 млн. сўм.
11. Андижон шаҳридаги «Барс-КНС» хусусий фирмасига қарашли Қурилиш компрессори.
Бошланғич баҳоси — 3 млн. сўм.
12. Андижон вилояти, Қорасув шаҳридаги «Карвон» кичик корхонасига қарашли Амиач компрессори.
Бошланғич баҳоси — 3 млн. сўм.
13. Андижон вилояти, Қорасув шаҳридаги «Равшан» Савдо ишлаб чиқариш фирмасига қарашли, Қорасув шаҳрида жойлашган 883х52 кв. м. ли ферма, омборхона.
Бошланғич баҳоси — 12 млн. сўм.
14. Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани, Қўштепа посёлкасидаги «Ишонч» корхонасига қарашли:
— Подстанция. 1000 кВт ли.
Бошланғич баҳоси — 4 млн. 999,1 минг сўм.
— Темир қирқиш станоги.
Бошланғич баҳоси — 3 млн. 699,0 минг сўм.
— Козловой кран 12 тонналик.
Бошланғич баҳоси — 2 млн. 999,3 минг сўм.
15. Андижон вилояти, Жалолқудуқ туманидаги «Ёрқишлоқ ХБК» НААО га қарашли:
— Ип йигирув газмол станоги.
Бошланғич баҳоси — 36 млн. 966,4 минг сўм.
— ГАЗ 53 автомашинаси.
Бошланғич баҳоси — 447,3 минг сўм.
— «ЗИЛ-130» автомашинаси.
Бошланғич баҳоси — 745,5 минг сўм.
16. Андижон вилояти, Охунбобоев шаҳридаги «Махлиё-бизнес» ООО га қарашли:
— Барча асбоб-ускуналари билан консервалаш кичик цехи.
Бошланғич баҳоси — 21 млн. сўм.

Шунингдек, Савдоларга БАНКРОТ деб эълон қилинган корхоналарнинг қуйидаги мулклари қўйилади:

1. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги «Бунёд» хусусий компаниясига қарашли мулклар:
Чорвоқ посёлкасидаги Гилам цехи биноси. Умумий майдони 6037 м.кв. 1993 йилда ишга туширилган. **Бошланғич баҳоси — 5 млн. 553,3 минг сўм.**
— Магазин биноси. Умумий майдони 85 м. кв. 1991 йилда ишга туширилган.
Бошланғич баҳоси — 2 млн. 652,7 минг сўм.
— Т—28 трактори прицепи билан. **Бошланғич баҳоси — 247,9 минг сўм.**
— Прицеп. Бошланғич баҳоси — 17,5 минг сўм.
— «ЗИЛ» автомашинаси. (1984 йил).
Бошланғич баҳоси — 704,4 минг сўм.
— Японияда ишлаб чиқарилган, «МАЗДА седан» енгил автомашинаси. (1984 йил). **Бошланғич баҳоси — 536,0 минг сўм.**
Асаларилар ташиш учун прицеп. (1995 йил).
Бошланғич баҳоси — 68,1 минг сўм.

Асбоб-ускуналар ва механизмлар:

— БПП—75 маркали Россияда ишлаб чиқарилган босмахона учун ускуна (қоғоз қирқиш машинаси). (1994 йил).
Р—12 туридаги 2 та ксерокопия.
Умумий бошланғич баҳоси — 429,0 минг сўм.

Тўқув машиналари:

— «Алеся» тўқув машиналари. 11 дона. Россия маҳсулоти. (1993 йил).
Бир донасининг бошланғич баҳоси — 20 минг сўм.
— «Ладога» тўқув машиналари. (1994 йил). 8 дона. (Россия).
Бир донасининг бошланғич баҳоси — 18,9 минг сўм.
— «Меда» тўқув машиналари. (1993 йил). 10 дона. (Россия).
Бир донасининг бошланғич баҳоси — 10,6 минг сўм.
— «Нева» тўқув машиналари. (1995 йил). 12 дона. (Россия).
Бир донасининг бошланғич баҳоси — 102,5 минг сўм.
— «Северянка» тўқув машинаси.
Бошланғич баҳоси — 2,6 минг сўм.
— гилам тўқиш учун қўйилмалар. 33 дона.
Бир донасининг бошланғич баҳоси — 18,4 минг сўм.
—Гилам тўқиш учун ускуна.
Бошланғич баҳоси 120,2 минг сўм.
— Гилам тўқиш учун ускуна.
Бошланғич баҳоси — 2,7 минг сўм.
— Гилам тўқиш станоклари, 7 дона.
Умумий бошланғич баҳоси — 38,4 минг сўм.
— Гилам тўқиш учун станоклар. 43 дона.
Умумий бошланғич баҳоси — 440,9 минг сўм.
«Нива» тўқув машиналари. 12 дона.
Умумий бошланғич баҳоси — 89,7 минг сўм.
— 22 кп маркали саноат тикув машинаси. 4 дона.
Бошланғич баҳоси — 20,5 минг сўм.
— Асаларилар учун қутилар. 10 дона.
Бошланғич баҳоси — 10,6 минг сўм.

Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган банкрот бўлган корхоналарнинг мулклари.

1. «Кийим» ҳиссадорлик жамиятининг мулклари:
— База биноси. Умумий майдони 50х70 кв.м.
Бошланғич баҳоси — 35 млн. сўм.

Автотранспорт

— АМ УАЗ-3151 автомашинаси. (1993 йил.)
Бошланғич баҳоси — 141,0 минг сўм.
Асбоб-ускуналар ва механизмлар.
— 1-АСП 2137 бензоагрегати. (1991 йил.)
Бошланғич баҳоси — 6 минг сўм.
— «Амстрад» компьютери. ПС160 ДД 1. (1990 йил).
Бошланғич баҳоси — 50,0 минг сўм.
— «Самсунг» ЭФ 100 факс машинаси. (1990 йил.)
Бошланғич баҳоси — 40,0 минг сўм.
— Ип йигирув станоги. (1981 й.) 7 дона.
Бир донасининг бошланғич баҳоси — 0,35 минг сўм.

«Оёқ кийим» ҳиссадорлик жамиятининг мол-мулклари.

Асбоб-ускуналар ва механизмлар
— Омборхона асбоб-ускуналари. 35х2х5х13х2х3.
Бошланғич баҳоси — 1 млн. 500,0 минг сўм.
— Ёғоч стеллажлар. 1,5х1х0,2 (30 дона).
Бошланғич баҳоси — 600,0 минг сўм.

«Васила» кичик корхонасининг мол-мулклари.

Асбоб-ускуналар ва механизмлар:
— Электродвижок.
Бошланғич баҳоси — 100 минг сўм.
— «Северянка-10» тўқув машинаси. 3 дона.
Бошланғич баҳоси — 30 минг сўм.

«Наргиз» хусусий корхонасининг мол-мулклари.

— «Наргиз» савдо маркази биноси. 29х12 кв.м.
Бошланғич баҳоси — 500 минг сўм.
— Ип йигирув станоклари. 18 дона.
Бошланғич баҳоси — 20,0 минг сўм.
— «Нева—5» тўқув станоклари. 15 дона.
Бошланғич баҳоси — 20,0 минг сўм.
— «Северянкап — 10» тўқув машинаси.
Бошланғич баҳоси — 20,0 минг сўм.
— «Украина» ёзув машинкаси.
Бошланғич баҳоси — 5 минг сўм.

Бухоро вилоятидаги Қорақўл Агро-савдо фирмаси мол-мулклари

— Олма қирқиш аппарати.
Бошланғич баҳоси — 121,0 минг сўм.
— Ўрнатилмаган автотарозилар.
Бошланғич баҳоси — 2 млн. сўм.

Жиззах вилоятидаги «Атторлик» ҳиссадорлик жамиятининг мол-мулклари.

— Омборхоналар. 8 дона.
Умумий бошланғич баҳоси — 761,4 минг сўм.
— Контора.
Бошланғич баҳоси — 47,6 минг сўм.
— Контора биноси.
Бошланғич баҳоси — 6,5 минг сўм.
Автотранспортлар:
Газ-53 автомобили.
Бошланғич баҳоси — 69,0 минг сўм.
Асбоб-ускуналар ва механизмлар:
— Стеллажлар. 29 дона. **Бошланғич баҳоси — 54,0 минг сўм.**
— Касса аппарати.
Бошланғич баҳоси — 70,3 минг сўм.

Жиззах вилоятидаги 68-МПМК мол-мулклари.

— База.
Бошланғич баҳоси — 627,0 минг сўм.
— 45 ўринли ётоқхона.
Бошланғич баҳоси — 194,3 минг сўм.
— База.
Бошланғич баҳоси 658,2 минг сўм.
Автотранспорт воситалари:
— «Пионер» КП-300 крани.
Бошланғич баҳоси — 9,0 минг сўм.
— Зил ММЗ 4502.автомашинаси.
Бошланғич баҳоси — 179,4 минг сўм.
— Газ 5301 автомашинаси. Давлат рақами 10-78 ДДГ.
Бошланғич баҳоси — 129,5 минг сўм.
— МАЗ 47023 автомашинаси.
Бошланғич баҳоси 464,9 минг сўм.
— ЗИЛ ММЗ 4502 автомашинаси. Давлат рақами 10-88 ДДГ.
Бошланғич баҳоси — 179,4 минг сўм.
— Т-28Х4 трактори.
Бошланғич баҳоси — 50,1 минг сўм.
— ГАЗ 5201 автомашинаси. Давлат рақами 0916 ДДЛ.
Бошланғич баҳоси — 101 минг сўм.
Газ-53-12 автомашинаси. Давлат рақами 41-75 ДДГ.
Бошланғич баҳоси — 185,0 минг сўм.
— ЗИЛ ММЗ 4502 автомашинаси. Давлат рақами 69-19 ДДВ.
Бошланғич баҳоси — 165,1 минг сўм.
Трактор ДТ-75.
Бошланғич баҳоси 25,6 минг сўм.
Газ-5201 автомашинаси.
Бошланғич баҳоси 129,5 минг сўм.

Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳридаги банкрот бўлган «Наврўз» Савдо-тижорат бирлашмаси мол-мулклари.

— Савдо шаҳобчаси.
Бошланғич баҳоси — 1 млн. 353,8 минг сўм.

Самарқанд вилоятидаги

— «Галант» ҳиссадорлик жамиятининг Савдо базаси.
Бошланғич баҳоси — 15 млн. сўм.
— «Спорт моллари» жамоа корхонасининг маъмурий биноси ва омборхоналари.
Умумий бошланғич баҳоси — 23 млн. сўм.

Сурхондарё вилояти банкротга учраган «Ангор» Савдо тайёрлов корхонасининг мол-мулклари.

— Савдо шохобчаси. База биноси.
Бошланғич баҳоси — 448,4 минг сўм.
— Гўштхона.
Бошланғич баҳоси — 62,0 минг сўм.
— Тери омборхонаси.
Бошланғич баҳоси — 176,4 минг сўм.
— Темирбетонли шийпон.
Бошланғич баҳоси — 70,0 минг сўм.
— ГАЗ 52 автомашинаси.
Бошланғич баҳоси — 43,7 минг сўм.

Банкрот корхоналар мулкларига қизиқиши бўлган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг юқорида кўрсатилган мулклар жойлашган вилоятлар марказидаги филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.

«Ўзсавдогарбанк» мулклари бўйича Республика Кучмас мулк биржасининг:

Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кучаси 13-уйда жойлашган, Тошкент шаҳри филиалига (тел. 144—44—72, 144—44—73).

Андижон шаҳри, Навоий шох кучаси, 126 уйда жойлашган, Андижон вилояти филиалига (тел. 5-85-96).

Тошкент шаҳри, Хоразм кучаси, 51-уйда жойлашган, Тошкент вилояти филиалига (тел. 133-49-31) мурожаат қилишлари мумкин.

Қўшимча маълумотлар учун Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 8-уйда жойлашган Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилинг.
Телефонлар: 136-15-28, 136-15-29, Факс: 136-26-26.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 8

I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Жаҳон киноси юлдузлари».
8.45 «Узлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.10 «Мусиқий саёҳат».
9.30 «Ер бағридаги аланга». «Узкинохроника» премьераси.
9.40 «Бармоқлар сехри».
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
10.25 «Солиқ ва назорат».
10.55 Узтелерадиокомпанияси Ғ.Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
11.20—14.00 «Дунё». Бадиий фильм. 1—2-сериялар (Ҳиндистон).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бир хутик бўлган экан». Мультфильм.
18.20 «Чамандаги гуллармиз». Болалар учун концерт.
18.40 «Олам ва одам».
19.00 «Тилга эътибор».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Қонун ва биз».
21.35 УзТВ экранида биринчи марта. «Буюк Амир Темур». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
22.15 «Ер ва диёр тароналари».
22.50 Теннис. Узбекистон Республикаси Президенти кубоги Халқаро турнири.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Сени излаб». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
00.35—00.40 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25 Эълонлар.
18.20 «Ерилтош». Мульттуплам.
18.45 «Сув ости дунёси».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Шимпанзе суперагенти». Телесериал.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.00 Кундалик
22.10 «Бебаҳо лаҳзалар».
22.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.15—23.25 Кундалик.
III
17.15 Янгиликлар.

Россия жамоат телевиденияси. 17.20—20.35

*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Хайр, Рио». Бадиий фильм (Болгария).
*

Россия давлат телевиденияси. 22.10—22.35

*
22.35 «Кругозор». Тележурнал.
23.05 «Нур соҳиблари». «Узбектелефильм» премьераси.
23.15—23.35 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.55 Эълонлар.
19.05 «Кунгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид».
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Авторейд».
20.25 «Фариштам».
20.55 «Ракурс».
21.25 «Спорт-тайм».
22.00 Кинематограф. «Улкан муваффақият». Телесериал.
22.45 «Ғузаллик ва мангулик».
23.05—23.15 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 9

I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
* * *
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Олам ва одам».
8.55 «Ер ва диёр тароналари».
9.30 Биржа ва банк хабарлари.
9.45 «Ғазалхон ёшлигим».
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Она тили.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Узбекистон тарихи.
*
12.00 «Муҳаббатим — қалб ардоғим». Лирик концерт.
12.20 «Қонун ва биз».
12.55 «Қойилмақом иш». Бадиий фильм.
14.05—14.30 «Оқибат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Мозаика». Мультфильм.
18.20 «Озод ва обод юрт».
18.45 «Сиҳат-саломатлик».
19.05 Олтин мерос. «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.35 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Акция ва акциядор».
20.10 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Туртинчи ҳокимият».
21.20 «Буюк Амир Темур». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
21.50 «Ғузаллик куйчиси». Узбекистон халқ артисти Монас Левиев.
22.20 «Вазият».
22.35 Теннис, Узбекистон Республикаси Президенти кубоги Халқаро турнирининг очилиш маросими ва саралаш учрашувларидан репортаж.
23.15 «Бухоро олтинлари». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.40 «Ахборот».
00.05 Эстрада концерти.
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Ерилтош». Мульттуплам.
18.35 «Палитра».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.10 «Нафис мажлислар».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Шимпанзе суперагенти». Телесериал.
20.30 «Ахборот».
21.00 «ХИФ».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 Кинонигоҳ. «Инспектор «Морс». 6-серия.
23.15 Кундалик.
23.25 «Авлодимиз».
23.35 «Акс».
23.55—00.10 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
III
17.15 Янгиликлар.
*

Россия жамоат телевиденияси. 6.30—8.00

*

17.20—20.35

*
20.35 «Теннис-клуб».
21.05 «Жазда фақат қизлар». Бадиий фильм. (АҚШ).
*

Россия давлат телевиденияси. 22.40—23.00

*
23.00 Эълонлар.
23.05—23.25 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультқарусель».
19.05, 21.55 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш дастури.
20.10 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.25 «Уйингоҳ».
20.55 «Янги иқтисод».
21.25 «Америкага назар».
22.00 Кинематограф. «Улкан муваффақият». Телесериал.
22.45 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.15—23.25 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 10

I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Эстрада концерти.
8.45 «Соғлом авлод, соғлом миллат».
9.10 «Мақтанчоқ филча». Мультфильм.
9.20 «Даҳолар топинган буюк Ҳақиқат». 1-қисм.
9.40 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Физика.
11.00 «Янги алифбони ўрганамиз».
11.30 Математика.
*
12.00 «Ҳамкорлик ришталари».
12.25 «Ғузаллик куйчиси». Узбекистон халқ артисти Монас Левиев.
12.55 «Сайқал». Тележурнал.
14.05—15.20 Болалар учун фильм. «Рикки-Тикки-Тави».
* * *
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Умид учқунлари».
18.40 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...»
18.45 «Ҳидоят сари».
19.05 Жамоат ташкилотлари: «Маслак ва мақсад».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Исмлар тарихи».
20.10 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Буюк Амир Темур». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
21.50 Узбекистон халқ хофизи Эсон Лутфуллаев куйлайди.
22.20 Теннис. Узбекистон Республикаси Президенти кубоги Халқаро турнири.
23.00 «Куйла, ёшлигим».
23.25 Футбол. Узбекистон чемпионати. Беллашувлар, натижалар.
23.35 «Ахборот».
24.00 «Узбектелефильм» намойиш этади: «Чор Бакр».
00.10—00.15 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Ерилтош». Мульттуплам.
18.35 Классик куйлар кечаси.
18.55 «Услуб».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Шимпанзе суперагенти». Телесериал.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.10 Кундалик.
23.20—00.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
III
17.15 Янгиликлар.
*

Россия жамоат телевиденияси. 6.30—8.00

*

17.20—20.35

*
20.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
21.05 «Ёлғиз эркак учун тузоқ». Бадиий фильм.
*

Россия давлат телевиденияси. 22.35—23.00

*
23.00 Эълонлар.
23.05—23.25 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 19.55 Эълонлар.
19.05 «Кунгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Бизнен-мирас».
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Дунё ва болалар».
20.30 «Нафосат гулшани».
21.00 «Мезон».
21.30 «Автосалтанат».
21.55 «Парвоз».
22.05 «Кинематограф». «Улкан муваффақият». Телесериал.
22.50 «Бу ажиб дунё».
23.05—23.15 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 11

I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Узбекистон халқ хофизи Эсон Лутфуллаев куйлайди.
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Даҳолар топинган буюк Ҳақиқат». 2-қисм.
9.35 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Ботаника.
11.00 «Бола дунёни тебратар».
11.30 Умумий биология.
*
12.00 Дутор ва танбур тароналари.
12.20 «Янги аср бусағасида».
12.40 С.Сиёев. «Бозор курмаган йигит». Видеофильм.
14.05—14.25 «Халқ ижодиёти».
* * *
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Ов». Мультфильм.
18.30 Болалар учун. «Телеолам.»
18.50 «Узбекистон фани». «Узкинохроника» премьераси.
19.00 «Авлод».
19.20, 20.25, 20.55, 23.50 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таҳлил». Публицистик кўрсатув.
21.20 «Буюк Амир Темур». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
21.50 «Узбекистон бастакорлари». Алишер Расулов.
22.25 Газета саҳифаларида.
22.40 Теннис. Узбекистон Республикаси Президенти кубоги Халқаро турнири.
23.10 «Ором онлари». Янгийўл тумани меҳнаткашлари ҳузурида. Мусиқий учрашув.
23.55 «Ахборот».
00.20—00.25 Ватан тимсоллари.
II
9.00 Мультипанорама.
9.20 «Нафосат».
9.30 «Турфа олам».
9.55 «Мусиқа салтанати».
10.25 «Даллас». Телесериал.
11.15 «Жараён».
11.25—13.00 Видео-«О».
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Аралаш-қуралаш». Болалар учун дастур.
18.30 «2000-йилдан сунг». Телесериал.
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.10 «Сир».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дубляж».
20.10 «Мутойиба».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Муносабат».
21.35 «Одобнома».
21.45 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кино жавонидан». «Афоня». Кинокомедия.
23.20—23.30 «Даракчи».
III
17.15 Янгиликлар.
*

Россия жамоат телевиденияси. 6.30—8.00

***

17.20—22.15

22.15 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокўрсатув.
*

Россия давлат телевиденияси. 22.45—23.10

23.10 Эълонлар.
23.15—23.35 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.55 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Айчурек».
20.15 «02» тулқинида.
20.30 «Компьютер-ревью».
20.45 «Америка президентлари».
21.15 «Интерспорт».
21.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.00 «Инспектор Ракка». Телесериал.
22.45 «Каталог».
22.55—23.05 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 12

I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Узбекистон бастакорлари». Алишер Расулов.
9.00 «Юзма-юз».
9.20 II Марказий Осиё ўйинлари олдидан.
9.40 «Дунё адабиёти». Жалолиддин Румий.
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Истак бору имконият-чи?»

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 Немис тили.
11.30 География.
*
12.00 «Кичкинтой» устахонаси.
12.25 «Душанбагача бир гап бўлар». Бадиий фильм.
14.05—14.45 «Ором онлари». Янгийўл тумани меҳнаткашлари ҳузурида. Мусиқий учрашув.
* * *
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Баҳодирлар бўтқаси». Мультфильм.
18.20 «Болаларга баҳшида умр».
18.40 «Таянч нуқтаси».
19.00 «Қалб гавҳари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 00.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Автоолам».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Буюк Амир Темур». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
22.00 «Қушиқ қадри». Мусиқий кўрсатув.
22.30 Теннис. Узбекистон Республикаси Президенти кубоги Халқаро турнири.
23.00 Бухоро—2500. «Варахша».

«Мунаввар дунё».

Маърифий дам олиш дастури.

23.20 «Олам».
23.35 УзТВ экранида биринчи марта. «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-қисм (Миср Араб Республикаси).
00.30 «Ахборот».
00.55—01.00 Ватан тимсоллари.
II
9.00 «Аралаш-қуралаш». Болалар учун дастур.
9.15 «2000-йилдан сунг». Телесериал.
9.30 «Бир жуфт қўшиқ».
9.40 «Билиб қўйган яхши».
9.50 «Сир».
10.05 «Дубляж».
10.20 «Мутойиба».
10.35 «Муносабат».
11.10 «Одобнома».
11.20—12.45 «Кино жавонидан». «Афоня». Кинокомедия.
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Бугуннинг боласи».
18.35 «XXI аср авлодлари».
18.55 «Ҳар лаҳзада қушиқ».
19.10 «Бизнес ҳафта якунлари».
19.20 «Нозик муъжиза».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Эртага — шанба».
20.05 «Жарангдор сўз».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ривоят».
21.10 «Йирик планда».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.45 Кинонигоҳ.
23.15 «Дераза».
23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.20—00.30 «Даракчи».
III
17.15 Янгиликлар.
*

Россия жамоат телевиденияси. 6.30—8.00

***

17.20—22.30

22.30 Эълонлар.
*

Россия давлат телевиденияси. 22.35—23.00

*
23.00 «Теннис-клуб».
23.30—23.50 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 20.40 Эълонлар.
19.05 «Кунгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
19.50 «Маънавият ва Ислом».
20.10 «Утмишсиз келажак йўқ».
20.45 «Шарқ тароналари».
21.15 «Монитор-Азия».
21.40 «Ширу шакар».
22.10 «Инспектор Ракка». Телесериал.
22.55 «Йуллар ортидаги йиллар».
23.25—23.35 «Хайрли тун!»

ШАНБА, 13

I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Қушиқ қадри». Мусиқий кўрсатув.
8.55 «Шоҳрўҳ» клуби.
9.15 «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-қисм.

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

10.05 «Орзулар қанотида».
10.25 «Умр йуллари».
10.45 «Идрок».
11.05 «Маҳмадона». Мультфильм.
11.15 Каратэ. Жаҳон чемпионати.
11.45 Хива—2500. «Тарихингдур бир жаҳон».
12.10 Болалар учун фильм. «Мио, болагинам Мио».
13.45—14.45 «Маънавият».
* * *
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Мультолам.
18.20 «Оила».
18.40 Шарқ тароналари.
19.00 «Хайрат».
19.25, 20.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эрталари.
20.05 Узбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
20.15 Жаҳон спорти.
20.30 «Ахборот».
21.00 Узбекистоннинг янги тарихи.
21.30 «Буюк Амир Темур». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 6-серия.
22.00 Марказий Осиё: тинчлик ва барқарорлик сари.
22.20 «Довон ошаётганлар». Қамчиқ йўл қурувчилари ҳузурида. Мусиқий учрашув.
22.50 Газета саҳифаларида.
23.05 Теннис. Узбекистон Республикаси Президенти кубоги Халқаро турнири.

«Тунги ёғду».

Дам олиш дастури:

23.45 «Куй ва тасвир».
24.00 «Сиз ёлғиз эмассиз». Бадиий фильм.
II
9.00 «Бугуннинг боласи».
9.15 «XXI аср авлодлари».
9.35 «Ҳар лаҳзада қушиқ».
9.50 «Бизнес ҳафта якунлари».
10.00 «Нозик муъжиза».
10.05 «Жарангдор сўз».
10.25 «Ривоят».
10.35 «Йирик планда».
10.55 «Кинонигоҳ».
12.25—12.40 «Дераза».
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 Боланинг тили.
18.35 «2000-йилдан сунг». Телесериал.
18.50 «Қонун ҳимоясида».
19.00 Киноконцерт.
19.10 «Таянч».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дилором наволар».
20.10 «Дармон».
20.30 «Ахборот».

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 6 sentabr, shanba № 106 (22.190).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-07-20, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи М. МАНСУР.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0578

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

САБОҒА ЁРИЛҒАН ҚИЗҒАЛДОҚ ЯНҒИҒ

Шеър ва шуур

Суманбар рухсоринг ой каби тоқдур,
Кўзларинг ангаки наргиз мунчоқдур,
Дилимда армонлар дарёдай оқур,
Қалдирғоч қарошлим, қалдирғоч қарош.

Бул қарош айланди жонимга хуммор,
Бул қарош бойланди жонимга туммор,
Бул қарош шайланди жонимга суммор,
Қалдирғоч қарошлим, қалдирғоч қарош.

Хаёлим тўкилди дайрона-дайрон,
Соғинчим сўкилди сайрона-сайрон,
Канглум-да юкилди қайрона-қайрон,
Қалдирғоч қарошлим, қалдирғоч қарош.

Мен — ишқнинг ҳужрасин излаган гадо,
Ғамларин ғамларга сўзлаган адо,
Ҳижроннинг торида бўзлаган садо,
Қалдирғоч қарошлим, қалдирғоч қарош.

Суманбар рухсоринг ой каби тоқдур,
Кўзларинг ангаки наргиз мунчоқдур,
Дилимда армонлар дарёдай оқур,
Қалдирғоч қарошлим, қалдирғоч қарош.

* * *

Соғинчнинг сим-сиё дайрларида
Адашдим. Айролиқ сағари тўлғон.
Ёлғондир дунёнинг хайрларида,
Висоли ёлғондир, қувончи ёлғон.

1

ТЕННИСНИ КАСБ ҚИЛГАНЛАР

PRESIDENT'S CUP UZBEKISTAN — ATP Tour

Истиқлол юртимиз пойтахти яна бир хайрли воқеа арафасида. Минглаб мухлислар орзиқиб кутишга одатланган анъанавий халқаро теннис мусобақаси бошланажак. Келаси ҳафта бошида «Президент кубоги» учун биринчи марта профессионал теннисчилар ўртасида том маънодаги халқаро мусобақа байроғи кўтарилади. Биринчи марта дейишимизнинг боиси, уч марта бундай мусобақалар ташкил этилган бўлсада, улар «Челленджер» доирасида ўюштирилган эди. Бу сафар эса жаҳонга юз тутаётган Ўзбекистон профессионал теннисчиларнинг мусобақасини ўтказиб берган 34 мамлакат сафидан ўрин оладиган бўлиб турибди. Бу мамлакатлар орасида қизиқарли баҳсларни 18 марта уюштирган АҚШ биринчи ўринда ҳисобланади. Шунингдек, Германия 7 марта, Франция ва Италиядан 4 мартадан, Австрия ва Буюк Британия, Голландия мамлакатларида 3 мартадан ва кўплаб давлатлардан 2 та ва биттадан баҳслар ташкил этилган.

Шу жиҳатдан ҳам бу йилги мусобақанинг нуфузи юқори баҳоланмоқда. Мукофот жамғармасининг 405 минг АҚШ доллари миқдорида белгиланиши ҳам шундан. Мухлислар яхши биладиларки, аввалги мусобақаларда ғолиб чиққан теннисчилардан Чак Адамс (АҚШ), Карим Алами (Морокко), Феликс Мантийя (Испания)лар 18 минг доллар ҳисобида тақдирланган эдилар. Бу сафар эса ғолиб теннисчига 58 минг доллар берилади. Иккинчи ўринни олган спортчи 34 минг долларга эга бўлади. Умуман мусобақа иштирокчисининг бирортаси қуруқ қолмайди.

«Президент кубоги» мусобақасига бағишланган матбуот йиғилишида бундай нуфузли баҳснинг ташкилотчиси, теннис жонкуяри Сассон Какшури, мусобақа маъмури Ян Фроман ҳамда «Динамо» теннис ўйингоҳининг президенти Генрих Дашевскийлар мамлакатимизда кичик тўп ошуфталари сафи тобора кенгайиб бораётгани, барча вилоятларда қулай шароитлар яратилаётгани, профессионаллар ўртасида ўтказилаётган халқаро мусобақанинг обрў-эътибори ортаётгани ҳақида мамнуният изҳор этдилар. Ҳозир Олег Огородов жаҳон кучли теннисчилари сафидан ўрин олган бўлса, Ғаниев, Хонхўжаев, Маҳкамов, Куценко, Томашевич каби йигитларимиз ҳам теннисни касб қилишга асосий даъвогар эканликлари таъкидланди.

Мусобақанинг дастури рангбаранг бўлиб, томошабинларнинг дам олишлари, бўш вақтларини мароқли ўтказишлари учун барча шароитлар яратилади. Болалар ва журналистлар учун мусобақалар ташкил этилади. Бу йилдан лотерея ўйинлари ҳам уюштирилиши кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўйлаймизки, халқаро мусобақа ўзига хос теннис байрамига айланиб, минглар қалбида унутилмас таассуротлар қолдиради.

Vatanni sevmak iymondandur!

ОМАД ЁР БЎЛСИН, ЙИГИТЛАР

FRANCE 98

Мухлисларга шу нарса аёнки, бугун жаҳон футбол чемпионатининг Осиё минтақасида ҳал қилувчи босқич ўйинлари бошланди. Шу муносабат билан республика футбол федерацияси бош котиби Зокиржон Қурбонов ўз мулоҳазаларини баён этди.

— Ростини айтганда, ҳаммамиз учун ҳам жиддий синов турибди. Майдонга тушиб, тўп суриш, астойдил ҳаракат қилиш асосида юртимизнинг шон-шавкати, халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш ўзига хос аҳамият касб этади.

Ўйлайманки футболчиларимиз хорижий юртларда тўп тепар эканлар, уларнинг қалбида Ватан туйғуси жўш уради. Тўғри футболчилару мутахассислар таъкидлаганидек, мамлакатимиз бош терма жамоаси ноқулай гуруҳга тушиб қолган. Зеро, бу баҳона эмас. Юзимиз ёруғ бўлиши учун бизда барча имкониятлар етарли. Бир томони омад ҳам керак. Бугун дастлабки учрашув Корея пойтахтида Қозоғистон терма жамоаси билан ўтказилади. Эртага эса ватандошларимиз Япония футболчиларининг меҳмони бўлишади.

Кўпчилик дастлабки учрашув кўп нарсани ҳал қилади, деган фикрда. Фаразлар, тахминлар, башоратлар беҳисоб. Бунинг устига ташланган қуръага кўра йигитларимиз учта учрашувни кетма-кет сафарда ўтказадилар. Токиода ўйнагандан кейин 12 сентябрда Сэулда майдонга тушишга тўғри келади. 20 сентябрда эса Алмати шаҳрида, Марказий Осиё ўйинлари якунланадиган кун Қозоғистон терма жамоаси билан учрашамиз. Ниҳоят, 27 сентябрда пойтахтимизда БАА футболчилари қабул қилинади. Ана шу тўртта учрашувда омадимиз келса, такрорий ўйинларда очколарни бойитиб, мухлисларни қувонтирсак, ажаб эмас. Ният Францияга бериладиган тўрт йўлланмадан бирига астойдил даъвогарлик қилиш.

Японияга йўл олган республикамиз вакилларига менинг раҳбар этиб тайинланишим фахрли ва айни пайтда масъулиятли эканини ҳис этиб турибман. Ўйлайманки, бош жамоамиз мураббийси Рустам Мирсодиқов, мураббийлар Евгений Валицкий, Маҳмуд Раҳимов ва Юрий Саркисянлар билан ҳамфикр ва ҳамкорлик қилиб, мақсад сари интиламиз. Терма жамоамиз 22 нафар ўйинчидан иборат. Улар Павел Бугало, Николай Ширшов, Владимир Филлипов, Андрей Фёдоров, Сергей Лебедев, Равшан Бозоров, Шуҳрат Мақсудов, Рустам Шоймардонов, Жаъфар Ирисметов, Февзи Давлатов, Бахтиёр Қамбаралиев, Нўъмон Ҳасанов, Абдуқаҳҳор Маърифалиев, Андрей Захаров, Эдуард Момотов, Илҳом Шарипов, Тоҳир Мадраҳимов, Алексей Винников, Олег Шацких, Шуҳрат Асадов, Руслан Узоқов, Игорь Шквиринлардан иборат. Йигитларимизнинг тайёргарлиги жойида. Халқаро майдонларда бўш келмайдилар, деб умид қиламиз.

Ҳайдар НОСИРОВ тайёрлади.

Аён ва баён

Марҳамати етим, шафқати етим,
Толега чўзилган илким муаллақ.
Нафасин жафоси, ки, дурриятим,
Жаврининг жавридир насиби мутлақ.

Сабримнинг сабрини сабри-да синиб
хокистар канглумнинг тўзими тўзғир.
Чириган ёғочда қалдирғоч ини
бўм-бўш, ҳувиллайди. Шамоллар сўзғир.

Руҳим маҳзанида ганжи марварид —
қайғумнинг қайғуси осилган туммор.
Ғамлар мен саридир, азоб мен сари,
армон менга ёрдир, соғинч менга ёр.

* * *

Ой жамол кўрсатди зеб бериб тунга,
Ой сени эслатди ойжамол менга,
Хотирлар келдилар, хотирлар йўнган,
Ой хотир, сен хотир, мен хотир.

Олисда ястаниб, кўр тўкар боғлар,
Ойнинг нурларини масус кучоқлаб,
Менинг юрагимда ўрганар доғлар,
Ой хотир, сен хотир, мен хотир.

Тийғи мужгонларинг саф тортиб бўй-бўй,
Жоним чечакларин айлар лоларўй,
Канглум кулбасида интизор ҳилвўй
Ой хотир, сен хотир, мен хотир.

Осмон камзулига тугмалар тақиб,
Яйрайди, ойнинг рафтори ёқиб,
Мен малул, маҳзунман хотирга боқиб,
Ой хотир, сен хотир, мен хотир.

Ой жамол кўрсатди зеб бериб тунга,
Ой сени эслатди ойжамол менга,
Хотирлар келдилар, хотирлар йўнган,
Ой хотир, сен хотир, мен хотир.

* * *

Назар ташлаб, мени толдирдинг ўйга,
Ким бўлдинг, нигоро, бағримни ўйган,
Балки сен суйдирган, балки мен суйган,
Мен сени қайларда кўрганман сунбул?

Эслайман энтикиб хотирларимни,
Канглумда зил қоттан қотирларимни,
Умидсиз умидвор ётирларимни,
Мен сени қайларда кўрганман сунбул?

Келганим, кетганим, суқ оттанларим,
Нигорон термулиб уҳ тортганларим,
Афсуслар, пушмонлар ўқ оттанларим,
Мен сени қайларда кўрганман сунбул?

Ошно айлар мени ўзига хаёл,
Ҳайрона турурман, ҳайронаман, лол,
Жавобсиз қолгайдир, жавобсиз савол—
Мен сени қайларда кўрганман сунбул?

Назар ташлаб, мени толдирдинг ўйга,
Ким бўлдинг, нигоро, бағримни ўйган,
Балки сен суйдирган, балки мен суйган,
Мен сени қайларда кўрганман сунбул?

* * *

Ўзингга оласан ғамангиз бўлиб,
дардингга айланар бир ухлаганлар.
Қанийди ёнганинг, куйганинг тўлиб,
билишсайди сен ўйлаганлар?!

Сен ўйлаганлар... қилгайдир жафо,
бунчалар ҳам содда бўлмасанг, бадир?!
Вафосиз оламдан ахтариб вафо,
қадрсиз одамдан излайсан қадр...

Ўзингга оласан ғамангиз бўлиб,
дардингга айланар бир ухлаганлар.
Қанийди ёнганинг, куйганинг тўлиб,
билишсайди сен ўйлаганлар?!.

* * *

Маҳваш, манзилга етдик,
Висолга хайр этдик,
Ҳажр шомига битик —
Менинг изларим қолди,
Сенинг изларинг қолди.
Диллари бўлиб дайрон,
Зеблари бўлиб зайрон,
Ҳоллари бўлиб ҳайрон —
Менинг изларим қолди,
Сенинг изларинг қолди.

Хиёбонлар бағри зор,
Сўқмоқлар-да интизор,
Бир-бирига дилгузор
Менинг изларим қолди,
Сенинг изларинг қолди.

Мезонларга иланиб,
Хазонларга беланиб,
Туфроқларга силаниб —
Менинг изларим қолди,
Сенинг изларинг қолди.

Армон сўнгакларида,
Хотир бўлакларида,
Кангул йўлакларида —
Менинг изларим қолди,
Сенинг изларинг қолди.

Маҳваш, манзилга етдик,
Висолга хайр этдик,
Ҳажр шомига битик —
Менинг изларим қолди,
Сенинг изларинг қолди.

2

ГЎЗАЛЛИК БАЗМ ҚУРГАНДА

Гул байрамининг шавқи ўзгача. Беихтиёр она-табиатнинг илоҳий қудратига, мўъжизаларига ҳаяжон билан сўз айтгинг келади.

«Мен гўзалларнинг эмас, гўзаллик яратувчиларнинг мафтуниман!». Машойиҳларнинг бу гапидан келиб чиқиб, ўн саккиз минг олам гўзаллигию, нафосатини ўз қучоғига жо этган «Бобур» боғининг гавжум ҳиёбонларида гулчилар билан суҳбатлашдик.

Муҳаббатхон Ортиқова — Мингбулоқ туманидан келган, касби тарбиячи, гўзаллик яратувчиси.

— Гуллар фаришталарнинг елпиғичидир, дейдилар. Гул ишқи юрагимга қачон бу қадар чуқур кирган, билмайман. Бир неча йилки, байрамга алоҳида тайёргарлик билан келаман. Қаранг, кишиларимиз қанчалар қувноқ, чеҳраларида ҳам гул акси. Тилагим—одамлар инсон кўнгли ҳам гулдай нозик, меҳрга, эътиборга, эъзозга муҳтож эканини бир сония ҳам унутишмасин.

Боқижон МУРОДОВ — Наманган шаҳридан, 71 ёшли нафақачи.

— Ақлимни танибманки гулга, ҳар турли чечакларга меҳрим баланд. Фақат бизнинг меҳмонновоз, ширинзабон юрт деб таърифланадиган Наманганимиздагина ўтадиган мўътабар байрам, қарангки, истиқлол айёми арафасида нишонланди. Мустақиллик йилларида бу анъана яна ҳам оройиш, сайқал топди. Илоҳим, бу қўшалоқ байрамлар янги-янги қутлуғ кунларга дебоча бўлиб мангу нишонланаверсин.

Йирик меҳнат жамоаларидан бири бўлмиш «Мехмаш» ташкилоти гул сайли иштирокчиларига дастурхон ҳозирлади.

Сайлда вилоят ҳокими Т. Жабборов, бир қатор меҳмонлар ва ташкилот раҳбарлари иштирок этишди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ, Турғунбек МАҲКАМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Ўн саккиз минг олам

УЧАР ЎРГИМЧАК

Ер юзидаги ўргимчаксимонлар энг катта сонли гуруҳни ташкил этади. Ҳозирги кунга қадар фанда уларнинг 17000 дан ортиқроқ тури маълумдир. Бу саккиз оёқли жонзот жуда хилма-хил шароитлар: ўрмон ва далаларда, боғу-полизларда, уйларда, ҳаттоки сувда ҳам учрайди.

Ўргимчаклар биологиясида, ип ҳосил қилиши ва «йигириши» жуда ноёб хусусият ҳисобланади. Бу ип хилма-хил вазифаларни ўтайди. Шу хусусиятга эга бўлган ўргимчаклар кўпинча «ўргимчак ип йигирувчилар» деб аталади. Баъзи ўргимчакларда ип безларининг сони мингдан ҳам ошиқроқдир. Ўргимчаклар ўз ипларидан тузоқ сифатида яъни уя қуриш учун ҳам фойдаланади. Ўлжа шу тузоқ уяга тушиб ўралашиб қолгач, ўргимчак уни ипи билан чандиб ташлайди. У фақатгина ўлжа танасидаги суюқликни сўриб олиши билан озиқланади.

Бундан анча йил бурун, сафарда бўлганимда тўсатдан кўзим поёнсиз текислик яйловда учиб юрган ўргимчакларга тушиб қолди. Улар худди самода парашютда учадиган кишиларни эслатарди. Ўргимчакларни учиши ҳақида ҳеч қанақа маълумотга эга бўлмаганлигимиз сабабли, бу жумбоқли сирни кузатишга киришиб кетдим. Ва тинимсиз изланишлар натижасида ўргимчакни учиш сир-асрорларини кузатишга мушарраф бўлдик. Ўргимчаклардан бири яйловдаги ўсимликнинг шохига ўрмалаб чиқиб олди, қисқагина қилиб юқоридан-пастга, пастдан-юқорига қараб ҳаракат қилиб, олдинги бир жуфт оёғини тинимсиз қимирлатиб тебрантирганча, бироз фурсат жим турди.

Ўргимчакни мана шу қиёфадаги ҳолати уни парвоз қилишга шайланиши экан. Кейин ўргимчак ипини чиқариб, учини ўсимлик шохига ёпиштирди, сўнгра давомсиз равишда чиқараверди. Шамол эса у чиқарган ипни учириб олиб кета бошлади. Ип етарли даражада узун бўлди шекилли, ўргимчак уни ёпишиб турган жойидан узди ва жойидан қимирламаган ҳолда яна анча вақтгача узлуксиз ип чиқариб турди. Ип узунлиги ўргимчакни ҳавода бемалол учириб олиб кетиш меъёрига етди шекилли, ўргимчак ўсимлик шохини ушлаб турган оёқларини секин-аста йиғиштириб, шамолда учганича кўздан ғойиб бўлди.

Ўргимчаклар мана шундай услуб билан бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга учиб юради. Бу ерда ўргимчак чиқарадиган ип асосий мослама бўлиб хизмат қилади.

Пайти келганда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ўргимчаклар табиатда муҳим биорегулятор вазифасини ҳам ўтайди. Чунки ўргимчаклар жумҳуриятимиз иқтисодиётини асосий тармоқларидан бири қишлоқ хўжалик ўсимликларига зиён етказувчи зараркунанда ҳашаротларни қириб йўқотишда анчагина фойда келтиради.

Асқар ХОЛМЎМИНОВ.

ДУНЁНИНГ ТЎРТ БУРЧИДАН...

Бутун жаҳонда ўзининг 6 йиллик айёмини нишонлаган Ўзбекистонга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Чунончи, биргина ўтган йили мамлакатимизга 170 минг сайёҳ ташриф буюрди. Бу кўрсаткич янада ошади. 4—5 йилдан сўнг, Ўзбекистонга миллион сайёҳ ташриф буюриши муқаррар, деб ҳисоблайди «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг раиси Бахтиёр Ҳусанбоев. Зеро, бунинг учун ҳамма асослар бор.

«Ўзбектуризм»да хусусийлаштириш амалда тугалланди. 30 та меҳмонхона ва меҳмонхона мажмуилари, 11 та сайёҳлик базаси ва кемпинг, 10 та транспорт базаси, қурилиш ва савдо корхоналари шулар жумласидандир. 6 та меҳмонхона эса халқаро 4—5 «юлдузли» тоифа талабларига жавоб беради. 340 дан ортиқ сайёҳлик ташкилоти халқаро туризм билан шуғулланиш учун лизенция олди. Мамлакатимиздаги барқарорлик, тинчлик ва бунёдкорлик сайёҳликнинг янада ривожланиши учун муҳим асосдир.

Маълумки, миллий компания 1992 йил сентябрида Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо бўлганди. У ушбу ташкилот ва БМТнинг ривожланиш дастури билан биргаликда сайёҳликни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш учун «Мак Налти» гуруҳи номини олган халқаро эксперт гуруҳини тузди. Ушбу гуруҳ раҳбари Майкл Мак Налтининг келажакда Ўзбекистон муҳим халқаро сайёҳлик макони бўлишига ишончи комил. Бунинг учун Ўзбекистон тўғрисида тўлиқ ва ёрқин тасаввурни ҳосил қилиш, тармоқни ислоҳотлаштириш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси билан жиддий шуғулланиш даркор. Ҳа, олдинда кўпгина муаммолар турибди, лекин тармоқ раҳбарларининг фикрича, уларни ҳал этиш мумкин. Зеро яқинда беш ёшга тўлган «Ўзбектуризм» миллий компанияси амалга ошираётган ишлар бунга ёрқин далилдир.

Алишер РЎЗИЕВ.

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 11 сентябрь, пайшанба куни чиқади).

ЎЗМЕТАЛЛСАВДО АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

"ЎЗМЕТАЛЛСАВДО" ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

АКЦИОНЕРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ МАЖЛИСИ ИЛГАРИ ХАБАР ҚИЛИНГАНИДЕК,
1997 ЙИЛ 12 СЕНТЯБРДА ЭМАС, БАЛКИ УЗРЛИ САБАБЛАРГА КЎРА,
18 СЕНТЯБРЬ КУНИ СОАТ 14⁰⁰ДА
ТОШКЕНТ ШАҲРИ, УСТА ШИРИН КЎЧАСИ, 136-УЙДА ЎТКАЗИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.
МАЖЛИСДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛГАН АКЦИОНЕРЛАР РЎЙХАТИ 1997 ЙИЛ 30 ИЮЛДА ТУЗИЛГАН.

КУН ТАРТИБИ:

1. "Ўзметаллсавдо" акционерлик жамиятининг 1997 йил биринчи ярим йиллигидаги молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ва ярим йиллик натижалари бўйича оралиқ дивидендлар тўловлари.
2. "Ўзметаллсавдо" акционерлик жамиятининг 1997 йил учун аудиторини тасдиқлаш.
3. "Ўзметаллсавдо" акционерлик жамиятининг Кузатув Кенгаши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш.
4. "Ўзметаллсавдо" акционерлик жамияти Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш.
5. Турли масалалар.

АКЦИОНЕРЛАР АХБОРОТ (МАТЕРИАЛЛАР) БИЛАН КУЗАТУВ КЕНГАШИ РАИСИДАН ЁКИ КОНФЕРЕНЦИЯ БОШЛАНИШИ ОЛДИДАН ТАНИШИШЛАРИ МУМКИН.
АКЦИОНЕРЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИ СОАТ 13⁰⁰ ДАН БОШЛАБ РЎЙХАТГА ОЛИНАДИЛАР.
АКЦИОНЕРЛАР ВАКИЛЛАРИДА ШАХСНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ГУВОҲНОМА ВА ОВОЗ БЕРИШ УЧУН БЕРИЛГАН ИШОНЧНОМА БЎЛИШИ ЛОЗИМ.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.